Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 111 (6. 302) ◉ 1987 йил 16 май, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС ХХУП СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ҲАЁТГА!

Улуғ Октябрь шарафига

ЯНГИЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

Бирлашмамиз муҳри туширилган маҳсулотлар республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида севиб харид қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Хушбичим, замонавий кийимлар кимга оро бермайди, дейсиз. Ўйлаб кўрсак, энг харидоргир маҳсулотларнинг каттагина қисмини бирлашмамиз чеварлари тайёрлашар экан. Улар ўз қўлларидан ўтаётган ҳар бир маҳсулотга қалб қўри ва меҳрларини бағишлайдилар. Ажойиб меҳнат анъаналаримиз корхонамиз шуҳратини оширишга катта имкон бермоқда. Ҳар бир аёмни муносиб тўёналар билан кутиб олишга одатланганмиз. Бундай фидойиликка жўшқин меҳнат ва самарали изланишлар туфайлигина эришиш мумкин. Шахсий ибрат кўрсатиб тежамкорлик ҳаракатида фаол иштирок этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга шу кеча-кундузда эътиборимизни янада кучайтираяпмиз. Чунки ютуқларнинг бош омили ҳам шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ.

Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик байрами шарафига зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг ҳар бир бандини тўлиқ уддаланишини таъминлашга ҳозирданоқ замин яратилмоқда.

Юбилейни муносиб кутиб олиш корхонамиз ишчи-хизматчилари каби комсомол-ёшларининг ҳам асосий мақсадига айланган. Кўзланган маррани эгаллаш учун эса янада ғайрат-шижоат билан ишлашимиз, ютуқларимизни мустаҳкамлаб боришимиз лозим. Комсомол-ёшлар коллективлари ўртасида авж олдирилган ўзаро социалистик мусобақадан кўзланган мақсаднинг асосини ҳам ана шу вазифа ташкил этади. Мусобақа якунларини ҳар ҳафтада кўриб чиқиб, пешқадамлар мунтазам рағбатлантириб борилади. Дастлабки ҳафталиклардан бошлаб шу кунларгача Т. Лапина, Б. Айменова, С. Раҳимжоновалар бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари илғорлар қаторида тилга олинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Мусобақа ғолиблари йил бошида 7 ноябрга қадар беш йилликнинг икки йили план-топшириқларини уддалашни кўзлаб қўйишганди. Ҳар бир кун меҳнат илғорларини катта мақсад сари тобора яқинлаштирмоқда. Улар смена нормаларини 120 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлишаётир.

Шахсий меҳнат беллашувларида эса ёш коммунистлар Л. Ҳошимова ва Г. Аъзамова, комсомол аъзолари Ж. Имомалиева, У. Ҳаитова сингари ўнлаб оловқалб ёшлар алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда. Улар мамлакатимиз ёшларининг улкан анжумани ВЛКСМ ХХ съездигача юбилей йилининг олти ойлик топшириғини бажаришга бел боғлашганди. Съезд очилишидан бир неча кун илгари улар шундай меҳнат рапортига имзо чекдилар.

Эришаётган ютуқларимизнинг асосий омилларидан бири бугунги кун талабидаги маҳсулотларни харидорлар эҳтиёжига ҳавола этаётганлигимиздадир. Бу борадаги кураш айниқса кейинги пайтларда қизғин авж олмоқда. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан истеъмолчиларни ҳушидэтиш тўқувчи ва чеварларнинг юксак бурчига айланиб қолмоқда. Сифатли маҳсулот тайёрлашга эришиш учун юқори унумли машина ва дастгоҳларнинг қувватидан фойдаланишга тўғри келади. Корхонамизда фаолият кўрсатаётган 14 та юксак сифат потогида бу натижага аллақачон эришилган. Уларда беш нафар комсомол-ёшлар бригадаси зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Ёшлар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларнинг савдо пештахталарига пешма-пеш етказиб берилишини таъминдашяпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида бош ва марказий универсал, «Перспектива», «Ўзбекистон» ва «Мода» фирмали магазинларида шартнома баҳолари бўйича 490 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Сифат бирмунча яхшиланди. Тикувчи, тўқувчиларимиз айни пайтда «Ёшлар учун» индекси билан чиқарилаётган буюмларни оталикка олишган.

Шак-шубҳа йўққи, тикувчи ва тўқувчи комсомол-ёшларимизнинг бирлашмамиз ютуқларига қўшаётган ҳиссаси ортиб бораверади, улар партия қарорларини амалга ошира бориб, жадаллаштириш ва қайта қуриш ишларида фаол иштирок этадилар.

Р. АЗИМОВ.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасн комсомол комитетининг секретари.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 14 майдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуришга бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги Пленумига доклад ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Сиёсий бюро давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси натижалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳани совет кишилари ғоят қизиқиб кутиб олдилар ва маъқулладилар. Лойиҳанинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзининўзи пул билан таъминлашга ўтиш, корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, чинакам социалистик ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириш каби қоидалари айниқса қўллаб-қувватланди.

Меҳнаткашлар айтган кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазалар Қонун лойиҳасининг ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат коллективларининг роли ва хўжалик раҳбарларини сайлаш билан боғлиқ бўлган қоидаларини равшанлаштиришга ёрдам беради. Мана шу муҳим Қонун активнинг қабул қилиниши экономикани бошқаришнинг келгусидаги яхлит системасига мустаҳкам пойдевор солади, деб таъкидлади Сиёсий бюро. Меҳнаткашларнинг мулоҳаза ва таклифлари эътиборга олиниб, пухта ишлаб чиқилган Қонун лойиҳасини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида муҳокама қилиш ва СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ меҳнатни ва социал ривожланишни бошқариш системасини хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтиш ва демократияни кенгайтириш билан узвий боғлиқ равишда қайта қуришнинг Асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг қоидалари асосида социал масалаларни ҳал қилишда меҳнат коллективларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни эътиборга олиб, барча поғоналардаги социал ривожланиш жараёнларига раҳбарлик қилиш самарадорлигини ошириш зарур, деб топилди. Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш ва унга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган социал тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш чоралари белгиланди.

Янги вазифаларга мувофиқ меҳнат, унга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти ва социал ривожланиш соҳасида актив давлат сиёсатини ўтказиш учун СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг роли ва масъулияти ошиб бораётганлиги уқтириб ўтилди.


М. С. Горбачевнинг Т. Живков билан учрашуви якунлари муҳокама қилинди ва маъқулланди. Сиёсий бюронинг мажлисида иккала қардош партия ва мамлакатнинг ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланаётганлиги уқтириб ўтилди. Ядро уруши хавфини тугатиш, қуролсизланиш, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш мақсадида уларнинг актив ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишга қарор қилганликлари тасдиқланди. Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ва бошқа алоқаларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси А. А. Громико ва Э. А. Шеварднадзенинг Таиланд ташқи ишлар министри С. Саветсила билан учрашувлари ва музокаралари якунларини муҳокама қилди, шунингдек бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ДЎСТЛИК ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан май ойининг сўнгги ўн кунлигида расмий дўстлик визити билан Руминия Социалистик Республикасига боради.

Замондошимиз



Илғор матбаачи

«Касбимни севаман. Шунинг учунми доимо қалбим янгиликка интилади. Янада кўпроқ натижаларга эришгим, умрим кунларини янги ютуқлар билан безагим келади».

Тенгдошлари билан бўладиган суҳбатларда Қурбоналининг шундан бошқа айтар гапи йўқ. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизнинг «Дарахт бир жойда кўкаради» деган доно нақли бор. Қорақалпоқ ўғлони Қурбонали ҳали ёш бўлсада бу мақолга қаттиқ амал қиладн. Болалигиданоқ кўнглига тугиб қўйган орзусининг рўёбга чиққанидан мамнун ҳолда завқ-шавқ билан ишлайди. У меҳнат қилаётган 3-босмахона Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг илғор коллективларидан бири. Унинг ишчи-хизматчилари, матбаачилари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик байрами нишонланадиган шу кунлуғ йилда ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилишмоқда. Ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган янги нашрларнинг, полиграфия жиҳатидан доимо пишиқ ва пухта бўлишини таъминлашаётир.

«Меҳнат — бахт келтиради» деб бежиз айтилмаган экан. Ўн йиллик иш фаолиятн давомида Қурбоналн Маднёров бунга аниқ иқрор бўлдн. Бахтини қадрдон коллективидан топдн. Шу ерда ишлаётган Альфия Маднёрова билан тақдирини бир умрга боғлади. Ҳозир Қурбоналининг рафиқаси ёрдамчи матбаачи. Улар полиграфия техникумида эгаллаган назарий билимларини амалий ишга ҳамжиҳатлик билан тадбиқ этишмоқда. Бунинг эвазига коммунистик меҳнат зарбдорн дегак шарафли ном эгаси бўлишган. Ишлаб чиқаришдаги актив фаолияти ва жамоат топшириқларини бажаришдаги фидокорлиги учун Қурбоналн Маднёровга Юнусобод массивида қурилган янги уйларнинг бирндан уч хонали квартира ажратилган. Улар бу ерда шод-хандон яшаб, оила пойдеворини мустаҳкамлашмоқдалар. Корхона маъмурнятининг ўзларига яратган қулайликлардан улар доимс миннатдор. Бу ғамхўрликни ёш оила вакиллари зарбдор меҳнатлари билан оқлашмоқда.

СУРАТДА: илғор матбаачи Қурбонали Маднёров.

Т. Каримов фотосн.

Ўқув ва амалий ишлар иттифоқи

Ўзбекистон ўқитувчиларининг VII съезди

Ер юзидаги энг инсонпарвар касблардан бири вакиллари — педагоглар хизмат қилаётган иш ҳаммани ва ҳар бир кишини ҳаяжонга солади, чунки жамият муаллимларга келажак калитини ишониб топширган. Педагог XXI аср гражданларини тарбияламоқда ва унинг талабалари ким бўлиб етишишлари кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқлиги. Умумий таълим ва ҳунар мактаби мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини қайта қуриш, содир бўлаётган революцион ўзгаришларни рўёбга чиқаришдек энг муҳим ишнинг асосий иштирокчисидир. Ислоҳот доирасида умумий таълим ва ҳунар мактаби реал қадамлари қандай, бундай таълим келажакда қандай бўлиши керак ва бугун ана шу йўлда нималар қилиниши лозим — Ўзбекистон ўқитувчилари VII съездининг делегатлари диққат-эътибори ана шу масалаларни муҳокама қилишга қаратилган. Съезд 15 май куни Тошкентдаги Санъат саройида очилди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади. (Нутқ газеталарнинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосованинг доклади таълим сифатини янада кўтариш ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан умумтаълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишлари қандай бажарилаётганлигига бағишланди.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси Р. Ҳ. Жўраев ўз докладида КПСС XXVII съезди, умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти талаблари асосида ишчилар синфи ёш ўринбосарларини тайёрлашни янада такомиллаштириш борасида ҳунар-техника таълими системасининг вазифалари тўғрисида гапирди.

Шундан кейин докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Съездда СССР Маориф министрининг биринчи ўринбосари А. А. Коробейников нутқ сўзлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Қ. С. Саликов, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Ҳ. А. Алимова, В. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Пономарев қатнашмоқда.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

«Оқшом» редакциясида

Африка журналистлари билан учрашув

Совет Иттифоқи бўйлаб туристик сафарда юрган Африка журналистлари кеча «Тошкент оқшомн» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари меҳмони бўлдилар. Меҳмонлар орасида Яшил Бурун оролари, Гвинея — Бисау, Сан-Томе мамлакатларининг журналистлари — миллий радио ва телевидение ходимлари Эмило Боржеш, Валдир Албеш, «Халқ овози» газетаси — Луиш Товареш, Матбуот агентлиги — Арманду Жоау де Сильва, «Озодлик» радиопрограммаси ходими — Паулу Нанке ва бошқалар бор. Улар Ўзбек халқининг маданияти ва санъати, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, корхоналар ва заводларда бўлдилар. Меҳмонлар «Оқшом» газеталарининг қандай тайёрланиши, қайта қуриш борасида журналистлар ва газетхонларни қизиқтираётган муаммолар, ижодий коллективнинг фаолияти билан танишдилар.

— Биз Шарқнинг марваридн — Ўзбекистон пойтахтига келганимиздан ғоятда мамнунмиз, — деди Гвинея-Бисау ахборот агентлигининг мудири Дезежада Лима. — Биз Тошкентга келиб турли миллат кишилари ахил яшаётганлигини ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида муносиб меҳнат қилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Сизнинг днёрингиз тимсолида Совет Иттифоқидаги қардош республикаларнинг халқлари фаровон ҳаётини яққол тасаввур этиш мумкин.

СУРАТЛАРДА: редакцияда бўлган учрашув пайти.







21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Тараддуд қизғин

Акмал Икромов районидаги 42-сайлов участкасида сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ердаги навбатчи агитаторлар хонаси ҳамиша гавжум. Янада демократлашган сайлов системаси катта қизиқиш уйғотмоқда, сайловчиларда жуда кўп саволлар туғиляпти. Бу саволларга моҳир агитаторлар Зироат Жамилова, Лутфия Исломова, Елизавета Фендюр тўлиқ жавоб бериш га интилмоқда. Сайловчилар рўйхати тахт қилиб қўйилган.

—Эскичасига ишлаш энди бизнн қаноатлантирмаяпти, — дейди агитпункт мудири Т. Абдуллаев. — Илгари агитаторлар фақат сайловчилар рўйхатини тузиш билан шуғулланишарди. Энди улар сайловчилар билан қизғин учрашувлар уюштиряптилар. Юристлар, педагоглар, меҳнат ветеранлари билан ҳамкорликда меҳнаткашларни бўлажак сайловларда уюшқоқлик билан қатнашишга даъват этмоқдалар.

Агитпунктда «Агитаторлар овози» газетаси ташкил қилинган. Уларда меҳнаткашлардан тушаётган таклиф ва мулоҳазалар ёритиб борилмоқда. Муборак Миротаева, Людмила Цой, Машкура Абдуқодирова каби агитаторлар «Иқтисод» ва «Ойдин Собирова» маҳалларининг аҳолиси ўртасида сиёсий-тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Агитпункт қошида ижтимоий-сиёсий адабиётлар ва брошюралар қутубхонаси ташкил қилинган. Сайловчилар бу адабиётлардан кенг фойдаланмоқдалар. 42-сайлов участкасини оталикка олган «Тошпломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ҳам агитпункт ишларида жонкуярлик қилмоқда. Улар ёрдамида агитпункт коллективи «Энг яхши агитпункт» кўригида муваффақиятли қатнашишга интилаётир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ бўлажак депутатларга наказлар тушяпти. Маданий-маиший ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш ҳақида ёзилган хатлар бор. «Юлдузча» кинотеатри олдида озиқ-овқат магазини қуриш меҳнаткашларнинг илтимосидан бирндир.

Сайлов катта байрам руҳида ўтиши учун бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт программаларини тайёрлашяпти.

Рационализаторлар ҳиссаси

Новаторларнинг изланишлари Тошкентдаги 1-авторемонт заводининг Г. Зестос бригадасида ГАЗ—51 автомобиллари моторларини йиғиш чоғида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини берди. Новаторлар моторларни йиғиш жараёнини яхшиловчи бир неча рационализаторлик таклифларини тақдим этдилар.

Моторларнинг пухталиги машина ҳамма узеллари нормал ишлашиҳ кўп жиҳатдан белгилаб беришини автомобилчилар яхши биладилар. Шу сабабли Г. Зестос бригадаси ишчилари ремонт муддатини қисқартириш билан бир вақтда моторларнинг пишиқ-пухталигини оширишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Улар ана шу вазифани уддаладилар. Натижада планга қўшимча равишда ўнлаб моторлар буюртмачиларга юборилди. Кичик механизация воситаларини жорий этиш, участкада замонавий машина-ускуналарнн ўрнатиш ҳисобига ишларни жадаллаштиришга эришилди. Ишчилар тавсиясига мувофиқ, бу ерда эскирган токарлик ва фрезерлик станоклари алмаштирилди. Кўп меҳнат талаб қиладиган икки операция баравар бажариладиган бўлди.

Завод рационализаторлари бу йил учун қабул қилган мажбуриятларини бажарай, деб қолдилар. Ҳозир улар юк машиналарини газ билан ишлашга ўтказиш учун тезроқ қайта жиҳозлаш йўлларини қидирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Телетайп лентасидан

БМТ. Социалистик мамлакатларнинг делегациялари БМТ иқтисодий ва социал кенгаши баҳорги сессияси муҳокамасига резолюция тақдим этдилар. Унда тинчлик, қуролсизланиш ва тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда барча халқларнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги учун зарур бўлган ресурсларни ажратиб бериш ғоят зарур эканлиги таъкидланади. Шу муносабат билан улар ҳамма давлатларга мурожаат қилиб, халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, ресурсларни социал-иқтисодий тараққиёт эҳтиёжларига сарфлаш учун самарали чоралар кўришга даъват этишни таклиф қилдилар. Социалистик мамлакатлар резолюциясининг лойиҳаси сессияда муҳокама қилинаётган социал тараққиёт тўғрисидаги масалада устун дараждда турувчи жаҳоншумул социал проблемаларни ҳал қилиш учун давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлиги ҳақидаги фикрга тўла мос тушади.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Конгрессда «Эрон-Контрас» яширин найранглари текширилиши жараёнида судланувчи ҳолига тушиб қолган Рейган маъмурияти Капитолий тепалигида қарши ҳужумга ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. «Нью-Йорк пост» газетасининг ёзишича, президент Рейганнинг энг яқин маслаҳатчилари Никарагуа фитначиларига ёрдам беришни таъқиқлаб қўйган Боуленд тузатишининг конституцияга мос келишини шубҳа остида қолдирмоқчилар. Маълумки, «Эронгейт» қатнашчилари конгресснинг ана шу қонун актини бузиб, контрасларга ёрдам уюштирган эдилар. Эндиликда Оқ уйнинг юрист маслаҳатчиси Калвахаус бу тузатиш ҳокимиятни ажратиш конституцион принципига зид, деган баҳона билан Боуленд тузатишига ҳужумни тайёрлади. «Президент ғоят қатъий ҳаракат қилмоқчи, — деди Рейганнинг асосий ёрдамчиларидан бири «Нью-Йорк пост» газетасига. — Жавоб зарбаси берадиган пайт келди».

* * *

ЛОНДОН. Жанубий Африка маъмурлари ирқчиликка қарши кураш ҳаракатининг таниқли арбоби Винни Манделага уни Йоханнесбург яқинидаги Соуэто шаҳридаги уйидан кўчириб юбориши тўғрисида хабар қилди.

Ватанпарвар аёлнинг гапларига қараганда, Соуэтодаги ўн минглаб аҳолининг ЖАР маъмурлари жорий этган фавқулодда ҳолат бекор қилинмагунча, ижара ҳақини тўлашдан бош тортиб, норозилик ҳаракатида иштирок этганлиги навбатдаги репрессия учун баҳона бўлди. Бироқ, апартеидга қарши курашчилар доирасида таъкидлашларича, претория ҳукмдорларининг ҳақиқий мақсади Винни Манделани бадарға этиб, шу йўл билан унинг ирқчиликка қарши курашда фаол иштирок этишига ҳалақит беришдан иборат.

Жанубий Африка охранкаси ўз эри — Жанубий Африка Африкаликлар миллий конгресси асосчиларидан бири, ҳозир қамокда азоб чекаётган Нельсон Манделанинг ишини давом эттираётган бу сиёсат ва жамоат арбобига қарши кўп йиллардан буён чинакам террор кампаниясини олиб бормоқда. Винни Мандела ҳаётига бир неча марта суиқасд қилинди, полиция уни мунтазам кузатиб турибди.

Лекин Винни Мандела дўқ-пўписаларга қарамай, Соуэто аҳолисининг, норозилик ҳаракатида иштирок этишдан бош тортмоқчи эмаслигини, шаҳардан чиқиб кетмаслигини айтди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Афғонистон Демократик Республикасида чинакам тинчлик ўрнатилиши тарафдоридир, деди ташқи ишлар министри Нарайан Датт Тивари Калькуттада журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб. Министр АҚШнинг Покистонга энг янги қурол-яроғларни етказиб беришни кенгайтириш ва Исломободга АВАКС системасидаги радиолокацион разведкачи самолётларини етказиб бериш режаларига тўхталиб, бу режалар регионда қуролланиш пойгасининг авж олишига олиб келиши мумкинлигини ва Ҳиндистон хавфсизлигига сўзсиз таъсир қилишини айтди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси—муҳокамада

ЎҚУВ—ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Илгари хабар берганимиздек, марксча-ленинча таълим — кадрларни ғоявий чиниқтиришнинг мактаби бўлган сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш бўйича идеология активларидан, партия маорифи кабинети мудирларидан редакциямиз эълон қилган анкета саволларига жавоблар келиб турибди. Қуйида сўз пойтахтимизнинг йирик корхоналари сиёсий маориф кабинетлари етакчиларига.

Н. КУЗЬМИН,
Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи партия маорифи кабинетининг мудири.

—Ҳозир ҳар бир киши олдига янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккурни шакллантириш, кадрлар психологиясини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида қайта қуриш вазифаси қўйилган. Мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида марксча-ленинча таълимни қайта қуришнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, ҳозирги пайтда ўқувга талаб ошиб кетди. Мамлакатимизнинг ривожланишини жадаллаштириш ва ишларни қайта қуришда пропагандистларнинг ҳам муҳим ҳиссаси бўлиши керак. Шу маънода мен сиёсий ва иқтисодий таълимни янги талаблар даражасига кўтаришни кўзда тутувчи КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» Лойиҳасини қизғин қўллаб-қувватлайман.

Айни пайтда пропагандистларга мазкур лойиҳада ўз устиларида янада кўпроқ ишлашлари учун шароитлар яратиб беришга жиддий эътиборни қаратиш керак. Масалан, ўз корхонамизни олиб кўрайлик. Пропагандистларимиз ҳар ойда сиёсий маориф уйида икки ҳафта мобайнида курсларга бориб ўқишди. Бундай курсларда чунончи бизнинг корхонамиздан 50—60 пропагандистни юборишга тўғри келмоқда. Ишларни жадаллаштириш ва қайта қуриш, маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилган тиғиз бир шароитда шунча кишини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда курсларга юборишнинг ҳожати бормикан?

Бунинг ўрнига, яъни икки ҳафталик курслар ўрнига ўқув йили бошланиши олдидан пропагандистларнинг икки-уч кунлик семинарини ўтказиш, унда уларга методик ва назарий тавсиялар беришни кўзда тутувчи лекциялар ўқиш ва ҳар ойда бир марта мунтазам «Пропагандист куни» ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Сиёсий ва иқтисодий ўқувда пропагандист бош фигура ҳисобланади. М. Пенскер, Ф. Фазлитдинов сингари моҳир пропагандистлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. 82 пропагандист ўз ишини қайта қуришга интиляпти. Агар бизнинг юқорида айтган фикрларимиз инобатга олинса, нур устига аъло нур бўлади.

И. ИБРОҲИМОВА,
Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси партия маорифи кабинетининг мудири.

— Биз КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» Лойиҳасини муҳокама этдик. Уни барча пропагандистлар якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ленин район партия комитетида бўлиб ўтган семинарда бизнинг корхонамиз пропагандистлари, идеология активлари ҳам Лойиҳа юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. И. Сильченко С. Поликов ва бошқалар корхонамиз пропагандистларининг фикрини ифода этдилар.

Мен пропагандистларимизнинг ана шу фикрларини жамлаб, қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, район партия комитетида ўтказиладиган пропагандистлар семинарида иқтисодчилар, техника фанлари кандидатлари ва докторлари тез-тез чиқиб туришса. Бу олимлар энг аввало бирлашмамиз фаолияти ва проблемалари билан чуқур танишиб чиққан бўлишлари шарт.

Иккинчидан, сиёсий маориф системасида фақат пропагандистларнигина ўқув қўлланмалари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Негаки, бундай қўлланмалар жуда оз. Тингловчиларни эса ана шундай қўлланмалар билан таъминлаш имкониятига эга эмасмиз. Ҳолбуки, илмий коммунизм, сиёсий иқтисод бўйича, қолаверса мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича ўқув қўлланмалари чиқарилса соз бўларди. Бундан баъзилар яна инструкция, қўлланмалар беришни назарда тутмаяпсизми, деб сўрашлари мумкин. Йўқ! Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу йилги ўқув йилида бешта йирик мавзу ўрганиляпти. Келгуси йили яна бешта мавзу ўрганилади. То булар юзасидан ўқув қўлланмалари тайёрлангунча орадан анча вақт ўтади, бу қўлланмалар эскириб қолади. Демак, ўқув қўлланмаларини олдиндан режалаштириш зарур деб ўйлаймиз.

Учинчидан, сиёсий ва иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда, машғулотларнинг таъсирчанлигини кучайтиришда кўргазмали воситаларнинг роли жуда катта, албатта. Чунки қуруқ гапираверган — лекция ўқийверган билан тингловчиларни мавзуга қизиқтириб бориш мураккаб, албатта. Шунинг учун кўргазмали воситалар бизга ниҳоятда зарур. Бу борадаги таклифимиз шуки, энг аввало буларни янада такомиллаштириш керак. Тўғри, биз янги диафильмлар олиляпмиз. Бу борада силжиш бор. Аммо ҳали тингловчилар дидига ва талабига мос тушадиган кўргазмали воситаларимиз жуда оз. Хўш, жадвалларчи, диаграммаларчи, деб сўрашингиз мумкин. Бу жадвал ва диаграммаларга пропагандистлар тезроқ ва тўлароқ тушунишлари мумкин. Аммо тингловчиларга янада қўл келадиган воситалар зарур.

Бу барча пропагандистларимизнинг фикридир. Албатта методик кабинетлар зиммасига жуда катта масъулият тушади. Айни пайтда дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмаларга ҳам юксак талабчанлик билан ёндошилса, улар янада актуал ва конкрет бўлса, айни муддао бўлур эди.



«7 ноябргача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини уддалаб, кўп ва сифатли иш бажараман». Бу мақсад токарь В. Пузин эришаётган ютуқларининг муҳим омили бўлмоқда. Моҳир ишчи шонли санани муносиб совғалар билан кутиб олиш учун смена нормасини 130 процентдан ошириб бажармоқда. Бунинг эвазига у ошхона мебеллари ва бошқа мебель маҳсулотлари заводи ишчилари орасида авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: В. Пузин иш устида.

М. Юсупов фотоси.

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Октябрь районидаги «Авангард» маҳалласида Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат намуналарини кўрсатган ветеранлар билан учрашув ташкил этилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Боис Эргашев ва Солиҳ Умаров билан учрашувга маҳалла аҳли, 1986 ва 40-ўрта мактабларнинг ўқувчилари тўпланишди. Қаҳрамонлар ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар. Педагогика фандари кандидати, доцент Ойшахон Тўраева иккинчи жаҳон урушида совет халқи қўлга киритган Буюк Ғалабанинг тарихий моҳияти ҳақида қизиқарли фактларни келтирди.

Учрашувда шунингдек, Октябрь район уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси истеъфодаги полковник Ғайбулла Назруллаев, жангу-жадал йилларида разведкачи бўлган, ҳозир маҳалла комитетига раислик қилаётган Олим Ортиқовлар ҳам солдат ва офицерлар кўрсатган жасорат ҳақида сўзлаб беришди. Латвиядан келган туристлар йиғилишда қатнашдилар. Улар ўз она тупроқларини фашистлар зулмидан озод қилишда жон олиб, жон берган тошкентлик қаҳрамонларга самимий миннатдорчилик билдиришди.

М. НАЗАРОВ.

Транспорт бир маромда ишласин

Вагонлар бору, ташийдиган юк йўқ

Ўрта Осиё темир йўлининг бир қанча бўлинмалари Бутуниттифоқ тармоқ мусобақасининг биринчи кварталидаги якунларига кўра, кўчма Қизил Байроқлар билан мукофотланди.

Темир йўл Тошкент бўлими, Самарқанд локомотив ва вагон депоси, Бухоро йўл хўжалиги бирлашган корхонаси, Тошкент тепловоз-ремонт заводи коллективлари ва бошқа коллективларнинг Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш борасидаги зарбдор ишлари ана шундай тақдирланди.

Лекин бу юксак шараф ғолибларни қувонтирмаяпти. Нега?

Чунки уларнинг кўпчилиги байроқни ушлаб тура олмаймиз, деб ҳисобламоқда. Алам қиладиган жойи шуки, бунга темирйўлчилар айбдор бўлмайдилар.

Мисол учун темирйўлчилар энг яхши коллективларидан бири Тошкент бўлимини олайлик. Бу ердаги вазият қалтис.

Биринчи кварталда юк ташиш плани бажарилган бўлсада, лекин апрелда на бўлим, на йўл умуман топшириқни уддалай олмади. Бу қолоқлик май ойида ҳам сақламоқда.

Буларнинг сабаби битта. У ҳам бўлса вагонларни бошқарувчи корхона ва ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаётганликларидир. Уларнинг кўплари керакли вагонлар сонини жўрттага оширибда кўрсатадилар.

«Ангренский» кўмир разрези мамлакатдан уч юз минг тоннадан кўп кўмир қазиб бўлиб қолди. Чирчиқ «Электрохимпром»и 21 минг тонна ўғитни кам берди. Лекин шу йўқ маҳсулотга вагон талаб қилишни (320 дона) унутишмади. Ана шу вагонлар режалаштирилганди, сўнгра улар керак бўлмади. Олмалиқ кимиё заводидан 12 минг тонна юк ортиб кетиши керак бўлган вагонлар бўш қайтди.

Темир йўлда план шу тахлитда барбод бўлаяпти. Ялпи кўрсаткичларга қараб ишга баҳо бериш одати ҳали йўқолмаганидан темирйўлчиларга планга қарши иш қилишга қандай журъат этдингиз, план деган нарса қонунку, деган савол беришни истайдиганлар албатта, топилади.

Шунда темирйўлчилар тушунтириб бера бошлайдилар: машинасозларимиз тузук тайёргарлик кўрмаган давлат қабулининг ўзигина планлаштирилган, лекин юборилмаган 150 та вагонни вужудга келтирди. Январь ойидан май ойигача «Главсредазирсовхозстрой» ярим миллион тонна бинокорлик материалларини ортишга тайёрлай олмади. Ҳолбуки, шу материалларни ташиш учун СССР Сув хўжалиги министрлиги талабномаси берган бўлиб, у темирйўлнинг планига киритилганди.

«Главташкентстрой» 388 минг тонна, республика давлат агросаноат комитети 400 минг тонна юкини ортишга келтиролмади... Хуллас шу юклар учун буюрилган вагонлар бўш қайтди, юк излаб бошқа объектларга кетди.

Темирйўлчиларга яна объектив сабабларни баҳона қиласиз. План қани! Юк бўлмаса чора кўриб, буюртмачиларни қийин-қистовга олинг, дейишади.

Ахир қазилмаган кўмирни, қурилмаган машиналарни, тайёрланмаган қурилиш деталларини талаб қилиб бўлмайдику! Бундай пайтда жарималар солишдан нарига ўтиб бўлмайди. Жарималар эса ғирт рамзий тарзда бўлиб мамлакатга керакли маҳсулотни ваъда қилинган миқдорда бера олмаганларнинг шахсий бюджетига тариқча ҳам зиён келтирмайди. Шундай қилиб, бўш вагонлар Тошкент бўлимининг йўлларида сандироқлайверади. Ёнилғи, одамларнинг меҳнати бекорга сарф бўлади. Техника эскиради.

Ниҳоят, Тошкентдан СССР темир йўл министрлигига телеграмма юборилади. Унда республика минглаб тонна юк ортиб беришга қодир эмаслигини бўйнига олади ва темирйўлчиларга планни ростлаб бершини сўрайди. Бу ростлаш камайтириш томонига бўлади, албатта.

Хўш, эртага аҳвол нима бўлади!

Л. ЛЕВИН,
[ЎзТАГ мухбири].

Жамият ва қонун

Меҳнатсиз даромадларга—йўл йўқ!

Текинхўрлик—томоқ йиртар

Республикамиз пойтахтининг Октябрь райони Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлашган, сераҳоли районлардан ҳисобланади. Районда меҳнатсиз даромад кетидан қувиб, текинтомоқлик билан кун кўраётган айрим кимсалар ҳамон учраб тураётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Фармон кўчасининг Турлола тупигидаги 10-уйда истиқомат қилувчи Ҳамидулла Маликов Акмал Икромов район райпишчеторгига қарашли 1-базада ишчи бўлиб ишларди. Топиш-тутиши ўзига етарли бўлган ўттиз ёшли бу йигит мўмай даромад изидан тушди. Ёш-яланг гавжум бўладиган «Чақар» маҳалласидаги чойхонада «қўлбола» кабоб тайёрлаб, донасини 50 тийиндан пуллай бошлади. ОБХСС бўлими ходимлари Ҳамидуллани ғоҳлантиришди. Бироқ у ўз билганидан қолмади. Ҳамидулла Маликовга қонунбузарлиги учун маъмурий комиссия томонидан 50 сўм миқдорида жарима солинди. Афсуски, бу ҳам унга кор қилмади. Негаки, у бундай миқдордаги мўмай пулни бир кунда топишга ўрганиб қолганди. Нафси ҳакалак отган Х. Маликов кейинги сафар ҳам антисанитария ҳолатида текинтомоқликни давом эттираётганида қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

«Чорсу» массивидаги 14-уй 23-квартирада яшовчи Абдулазиз Эгамбердиев ҳам кабобфурушлик қилаётганида тумшуғидан илинди. Бу текинтомоқ анча пухталик билан иш кўрарди. Одатда эрталаб соат 7 га қадар 1000 1500 дона сихли кабобни пуллаб улгурарди. Унинг доимий мижозлари аксарият такси шофёрлари эди. А. Эгамбердиев мўмай даромад кетидан қувганлиги учун илгари маъмурий жазога тортилиб, огоҳлантирилган ва 50 сўм миқдорида жарима ундирилган эди. Бироқ Абдулазиз текин пул топишни одат қилиб олди. ОБХСС ходимлари Абдулазизни кабобни пуллаётганида қўлга туширдилар. Жиноий жавобгарликка тортилиб, одил суд одида жавоб берди.

Шомаҳмудов номидаги кўчанинг Чамакор проездидаги 12-уйда яшовчи Ниғмат Шодиматов эса мўмай даромад топишда бошқачароқ йўл тутди. У чойхона ёки чорраҳаларда кабоб пиширib, сотишдан «тортиниб», ўзича «тадбиркорлик» қилди: яшаб турган уйини кабобхонага айлантирди. Пулга тузоқ қўйган Ниғмат Шодиматов катта кўча бўйлаб кетаётган йўловчиларни имлаб, уйига бошлар, гилосдек-гилосдек келадиган гўшт парчаларидан иборат ҳар бир сих кабобни 50 тийиндан пуллар эди. Яқинда бу пултопар ҳам огоҳлантирилиб, ундан 50 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Кейинги пайтларда мўмай даромад ишқибозлари кўча-кўйларда, бекатларда, уйда тайёрланган сомса ва «хонум» каби таомларни пуллашга зўр беришадиган бўлишди. Ана шундай текинтомоқлардан бири Шоира Собитова шу йилнинг бошларида ички ишлар бўлимига таклиф этилди. 1960 йилда туғилган Шоира Собитова Қизилтут кўчасининг 4-тупигидаги 5-уйда истиқомат қилади. Ҳеч қаерда ишламайди, уй бекаси. Ичига бир бўлак чарви-ёғ, пиёз солинган, уйда антисанитария ҳолатида тайёрланган сомсаларни Октябрь бозорига олиб бориб, сотда харидорларни алдашни ўзига одат қилиб олган эди. У огоҳлантирилди. Маъмурий комиссия томонидан 50 сўм жарима солинди. Ш. Собитова бундан тегишли хулоса чиқармасдан ўзича пухтароқ иш тутишга ўтди. Кир ва қасмоқ босган тўрвасига сомсаларни жойлаб Октябрь бозорига тушар, уни ахлатдонлар орасига яшириб харидор қидиришга тушарди. Сотда харидорларни лақиллатиб, сомсаларни 50 тийиндан пуллар ва шу заҳотиёқ жуфтакни ростлаб қоларди. Ҳалол яшашни бўйнига олмаган Шоира Собитова яқинда 63 та «қўлбола» сомса билан яна тумшуғидан илинди.

Феруза Ҳасанова ўрта маълумотли уй бекаси «Марказ—26» кварталидаги 13-уйнинг 6-квартирасида яшар эди. Феруза бир иложини қилиб «хонум» тайёрлашни ўрганиб олди. Шундай қилиб, тоғора-тоғора «хонум» Чорсу атрофидаги гавжум жойларда донаси 15 тийиндан пуллана бошланди. Ферузани огоҳлантиришди, маъмурий жазога тортилиб 50 сўм миқдорида жарима ҳам тўлади. Бу кор қилмади. Уни пулнинг сеҳри, мўмай даромаднинг гашти ўзига ром қилиб олган эди. Энди у «хонум»ларини 20 тийиндан пуллай бошлади. Савдоси айни «авжига» чиққан пайтда милиция ходимлари тўхтатиб қолишди. Тоғорадаги 47 та шапалоқдек «хонум» унинг тоза таржимаи ҳолига қора доғлар бўлиб тушди. Меҳнатсиз даромад қилишга рўжу қўйган бу текинтомоқ ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Майда чайқовчилик йўли билан мўмай даромад топишга ҳаракат қилаётган кимсалардан анчаси қўлга олинди. Масалан, «Марказ—27» кварталининг 27-блок 8-квартирасида истиқомат қилувчи Муҳаббат Мирсоатова 12 килограмм олмани олиб сотаётганида, 2/4 Қорақамиш массивидаги 57-уй 71-квартирасида яшовчи Нуриниса Мансурова аёллар кўйлагини олиб сотаётганида, 1-Кўрғонча кўчасидаги 11-уйда яшовчи Собир Каримов радиоприёмник батареяларини устама нархда пуллаётганида, Ҳувайдо кўчасидаги 25-уйда яшовчи Насиба Назарова аёллар пайпоғи билан чайқовчилик қилаётганида тумшуғидан илинди. Бу қонунбузарлар тегишли жазо олишди.

Очиғини айтганда, Октябрь бозорида «қўлбола» сомса ва чайқовчиликдан ташқари гўшт ва қуйруқ ёғи билан яширинча савдо қилувчилар ҳамон мавжуд. Улар бозор ходимлари диққатидан четда қолмоқда. Бозорда шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган гўшт ва ёғни сотишга мўлжалланган растлар ташкил этилмаган. Маҳсулот сифатини текширувчи врачлар ёмон ишламоқда. Оқибатда бозорга турли ниқобдаги кўплаб товламачилар ораламоқда. Ана шулардан бири қўлда боқилган қўй ва мол гўшти билан пана жойларда савдо қилувчи кимсалардир. Уларнинг аксарияти маҳсулотни санитария врачи назоратидан ўтказишмайди. Ички ишлар бўлими ходимлари йил бошидан буён бир неча марта рейд ва текширишлар ўтказишди. Бундай кимсаларнинг айримлари қўлга олиниб, жазоланди. Масалан: Акмал Икромов район, Ҳабиб Абдуллаев номидаги кўчанинг 2-уйида яшовчи Камолиддин Сабриддинов қўй гўшти ва ёғни билан ўзи билганича савдо қилиб, харидор чақираётганида қўлга олинди. Унинг тўрвасида врач рухсат этмаган бир неча килограмм думба ёғ бор эди. Иши чора кўриш учун маъмурий комиссияга топширилди. Собир Раҳимов районидаги Улуғбек номидаги кўчанинг 37-уйида яшовчи Шукур Йўлдошев эса худди шундай «фаолият»ни учун биринчи бор огоҳлантирилди.

Биз бу борадаги ишларни қониқарли дея олмаймиз. Бундай «қўлбола» қассобчилик билан шуғулланаётган кимсалар оз бўлса-да ҳамон учраб турибди. Партия ва ҳукуматимиз инсон омилидан оқилона фойдаланиш мақсадида совет кишиларига қулай шарт-шароитлар яратиш учун тинмай ғамхўрликлар қилмоқда. Ана шундай ғамхўрликнинг ёркин ифодаси сифатида якка тартибда қилинадиган меҳнатни уюштириш ҳақида чиқарилган қарорини кўрсатиш мумкин. Қарорга биноан ҳар бир совет граждани асосий иш фаолиятидан бўш вақтларда кооперативларга бирлашиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши мумкин. Шунга кўра, СССР Министрлар Совети кооперативлар тузиш ҳақида махсус қарорлар қабул қилди ва бундай кооперативларнинг намунавий уставини маъқуллади. Ҳозир Тошкент шаҳрида, районимизда ҳам ана шундай кооперативлар иш бошлади. Аммо, афсус билан айтиш керакки, айрим касб-кор эгалари ўз фаолиятларини қонунлаштирмасдан, ҳамон якка тартибда иш кўрмоқдалар. Натижада қонунни бузиш ҳоллари содир этилмоқда. Ходимларимиз қонунбузарларни тартибга чақириб, уларни кооперативларга бирлашишга ундамоқдалар. Аммо бу доимо ўзининг ижобий самарасини кўрсатяпти, деб бўлмайди, оқибатда маъмурий жазолар қўллашга тўғри келмоқда.

Текинхўр, ишёқмас, тартиббузар кимсаларга нисбатан муросасиз бўлиш, уларга қарши курашиш нафақат маъмурий органларнинг, балки бутун жамоатчиликнинг вазифасидир. Ҳар бир киши меҳнат коллективида, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун жон куйдирса, ютуқларимиз кўпайиб, камчиликларимиз барҳам топаверади. Зеро, ҳаётимиз мазмуни, қайта қуриш ва жадаллаштириш давридаги мақсад ва интилишимиз ҳам шундан иборат.

Б. СИДДИҚОВ,
Октябрь район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.

А. АМИНОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

Ташмаловчилар

Ўғри бўлиб яхши тўн киёлмассан,
Бир ўргансанг, нафсингни тиёлмассан.
Давлат кетар, ор билан номус кетар,
Аммо чивин жочингни тиёлмассан.
АБАЙ.

Боғчаларда бизнинг келажагимиз — ёшлар тарбия топади. Унда оқил, инсофли, диёнатли, ҳалол ва виждонли тарбиячилар ишлашади. Лекин «Шолининг орасида курмак бўлганидек», ажойиб тарбиячиларимиз ичида нопоклари ҳам бор. Улар ташмаловчилардир. Кимлар дейяпсизми! Марҳамат, билиб олинг! Вера Прокопьевна Шокирова. Бу 60 ёшдаги аёлга, Ҳамза районидаги 6-боғча мудирига нима етишмайди дейсиз! Маошидан ҳам дурустгина. Аммо «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, рейд ўтказган куннимиз 2 килограмм гўшт билан қўлга тушди.

Малика Ҳайдаровна Акрамова ҳам Ленин районидаги 5-боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. 100 грамм сариёғ ва битта булочка нима деган гап. Наҳотки уни давлат магазинидан ўз пешона тери билан топган пулига сотиб олишга қурби етмаса!! Етади. Аммо... Хуршида Хадралиева Октябрь районидаги 6-пиво заводининг 151-боғчасида ошпаз бўлиб ишлайди. Айтишларича, ошпазнинг меъдаси тўқ бўлармиш. Аммо Хуршидахонники акси бўлиб чиқди. У 14 март куни боғчадан сумкасида 4,5 килограмм сариёғ олиб чиқиб кетаётганида «омади» чопмади.

Зоя Ильинична Ботьяева Чилонзор районидаги 76-боғчада ошпаз. Бировдан камчилиги йўқ. Аммо нафс қурғур баъзан ҳакалак отиб тураркан. У ҳам гўшт, сут ва қаймоқ олиб чиқиб кетаётганида қўлга тушиб шармандаси чиқди.

«Назорат бўш бўлган жойда, юлғичларнинг пичоғи мойда» деган гап бор. Афтидан Киров районидаги 499-боғча ходимлари С. Ашурова билан Л. Данаева шундай вазиятдан фойдаланишмоқчи бўлгандирлар. Улар 60х6 ҳажмли гиламча, 4 та болалар чойшаби, 2 та хўжалик совуни ва битта челакни олиб чиқиб кетаётганларида тумшуғидан илинишди. Жамоат мулкига кўз олайтирувчи — унча важ қилса ҳам барибир жиноятчи. Иккиси ҳам гўдакларнинг ҳақ-ҳуқуқига хиёнат қилгани учун жавоб беришади.

Ҳалима Ҳофизовна Абдуллина Чилонзор районидаги 413-боғчанинг ошхонасида ишштовоқ ювади. Аммо «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, унинг ҳам иштаҳаси очилиб кетди. Сумкамни қуруқ олиб кетмай деб унга гўшт, кўк нўхот, тухум, жами 10 сўмлик маҳсулот солиб, дарвозадан чиқиб кетаётганида ташмаловчилик фаолиятига сўнгги нуқта қўйилди. Ана шундай: «Текинни кўзламанг дўстларим, зинҳор, текин емоқликнинг ҳам жазоси бор». Барча ташмаловчилар одил суд ҳукмига кўра жазо олишди. Қўли эгри боғча ходимлари бўйи ўқиб, тўғри йўлни танлаб олдилар, деган умид ва ишонч билан шу фактларни ёритдик.

Т. ТОШЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **ВАШИНГТОН.** АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи собиқ ёрдамчиси Робберт Макфарлейн Эронга қурол-яроғ сотишдан олинган маблағларни Никарагуа контраларига топшириш махфий операциясидан президент Рейган яхши хабардор бўлганлигини кўрсатувчи янги фактларни келтирди. У бўлиб ўтган конгрессда янги маълумотларни келтиришни давом эттириб, президентнинг хоҳишига кўра, контраларга мадад бериш учун АҚШ миллий хавфсизлиги кенгаши қандай чораларни кўраётганлиги тўғрисида уни тез-тез хабардор қилиб турганлигини айтиб берди. «Сиз ва сизнинг ходимларингиз президентнинг хоҳишини бажариш учун ҳамма ишни қилаётганлигингиз ҳақида президентга хабар қилиб турдингизми?», деб сўради Макфарлейндан конгресс аъзоси Эдвард Боуленд. Президентнинг собиқ ёрдамчиси бу саволга «тез-тез хабар қилиб турардик», деб жавоб берди. «Неча марта хабар қилдингиз», деб савол берилди. «Ўн марталаб хабар қилганмиз», деди Макфарлейн.

● **ПАРИЖ.** Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи (ЮНЕСКО) ижроия кенгашининг 126-сессияси очилди. Сессия кун тартибига ана шу халқаро ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти якунларини чиқариш, ўтган уч йил мобайнида ЮНЕСКОда ўтказилган ислоҳотларнинг натижаларини, шунингдек истиқболли программаларни муҳокама қилиш масалалари бор. Ёш авлодни ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида тарбиялашни таъминлаш плани сессия қатнашчиларининг диққат марказида турибди. Сессияда инсониятнинг маданий меросини сақлаб қолиш тадбирлари программаси ҳам белгиланади, маданий тараққиётнинг ўн йиллигини ўтказиш ҳукуматлараро комитетини тузиш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилади. Сессия 19 июнгача давом этади.

Объективда — АДР



Афғонистон Демократик Республикаси ҳозирги пайтда унутилмас бир даврни бошдан кечираяпти. Шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси республикада умуммиллий ярашга эришиш йўлларига тааллуқли бўлган Афғонистон Халқ Демократик партияси, Афғонистон Демократик Республикасининг ҳукумати ва Миллий фронтининг ҳужжатларини муҳокама қилмоқдалар.

СУРАТДА: Бу деҳқонлар умуммиллий ярашга қаратилган ўз ҳукуматларининг снёсатини қизғин маъқулламоқдалар.

Г. Надеждин фотоси.

Калейдоскоп

ҲИД БИЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Ҳид билиш бўйича ўтказилаётган тажрибалар яқинда ўз самарасини беради, дейишмоқда инглиз олимлари. Бу тажрибалар тугагач, криминалистлар ҳидни аниқловчи асбоблар билан таъминланадилар.

Инсондан келувчи ҳид қайтарилмас бўлади. «Биз ўз «ҳидимизни кўп ерларда қолдиряпмиз»,— дейди Лидс шаҳри университети физиологи Барбара Саммерулл. Унинг таъкидлашича, яна беш йилдан кейин ҳидни мукаммал биладиган асбоблар ишлаб чиқилади ва бу асбоблар орқали жиноятчиларни излаб топиш йўли осонлашади.

ШАНБА ОҚШОМИ

Қадимги ҳикоятлар

Бемор ва табиб

Бир киши табибнинг олдига бориб, қорин оғриғидан шикоят қилди.

— Нима еган эдинг? — сўради ундан ҳаким.

— Озгина мол гўшти, балиқ, товуқ тухуми ва қатиқ, — деб жавоб берди у.

— Уйингга боргин-да, кечаси ўлимни кут, — деди ҳаким унга, — борди-ю кечаси ўлмасанг, эрталаб ўзингни томдан ташла!

Бир воиз ҳақида

Бир воиз минбарга чиқиб, ваъз ўқиётган эди одамлар ундан бир нарса ҳақида сўрашди. У эса, билмайман, деб жавоб берди. Унга:

— Минбар нодонларнинг жойи эмас! — дейишди.

Воиз:

— Мен минбарга кўтарилган эканман, илмимга яраша кўтарилганман, агар нодонлигимга яраша кўтариладиган бўлсам, унда осмонга чиқиб кетган бўлардим! — деди.

Қилмиш-қидирмиш

Бир киши шиша солинган сандиқни ҳаммолга бериб, уйига элтишни тайинлади.

— Агар шуни элтиб берсанг, сенга учта ёқимли хислатни ўргатиб қўяман, — деди у.

Ҳаммол рози бўлиб, у билан бирга жўнади. Йўлнинг учдан бирини босиб ўтганларида, ҳаммол биринчи хислатни талаб қилди.

— Агар биров сенга: «Очлик — тўқликдан яхши» деса, асло ишонма, — деди ҳалиги киши.

Йўлда давом этдилар. Йўлнинг учдан икки қисми босиб ўтилганда, ҳаммол иккинчи хислатни талаб қилди.

— Агар биров сенга: «Пиёда юриш — улов устида юришдан яхши» деса, асло ишонма! — деди у.

Уйга етиб келганларида ҳаммол учинчи хислатни сўради.

— Агар биров сенга: «Сендан кўра арзонроқ ҳаммол бор» деса, асло ишонма, — деди.

Ҳаммол елкасидаги сандиқни ерга отиб юборди, ундаги ҳамма шиша чил-чил синди. Шунда ҳаммол ҳалиги кишига қараб:

— Агар биров сенга: «Шу сандиқ ичида бутун шиша бор» деса, асло ишонма! — деди-да, орқасига қайтди.

Форсчадан **Маҳмуд ҲАСАНОВ** таржимаси.

Немис мақол ва маталлари

- Камбағалга нон, бадавлатга иштаҳа етишмайди.
- Эчки бойланган жойида ўтлагани маъқул.
- Данғасанинг ҳафтада ети марта эртаси бор.
- Юракдан чиқмаган нарса, юракка бормайди.
- Севги билан ақл бир кўчада яшамас.
- Эски чандиқни тирнасанг, янги яра пайдо бўлади.
- Кундузнинг кўзи, туннинг қулоғи бор.
- Айиқ уясидан асал қидирмайди.
- Кўпгина фалокатлар шароб билан лаб ўртасида ётади.
- Хўроз буйруққа биноан қичқирмайди.
- Аҳмоқлар билан кулишгандан кўра, донолар билан йиғлаган афзал.
- Меҳмондорчилик қанча қисқа бўлса, дўстлик шунчалик узаяди.
- От минмаганга қамчи на ҳожат.
- Ҳарф танимаган кўзойнак билан ҳам ўқий олмайди.
- Эҳтиёткор ўғри ҳам бир марта қўлга тушади.
- Отни арқонга, эркакни аёл сочига боғлайдилар.
- Тегирмон унсиз, дўст нуқсонсиз бўлмайди.
- Ҳасад ўз эгасини ейди.
- Бадмастлик ва баднафслик шифокор тегирмонига сув қуяди.
- Самимий тарсаки сохта ўпичдан афзал.
- Бир йилда бой бўлишни хоҳлаган, олти ойда дор тагига келади.
- Оёқда қоқилсангда тилга қоқилма.

Немисчадан Б. МАМАТҚУЛОВ таржимаси.



Она билан бола,
Гул билан лола.

Р. АЛЬБЕКОВ фотоси.

◆ Таниқли ёзувчи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ёқубжон Шукуров роман, қисса, драмалар, ҳикоя-эртаклар тўпламларининг муаллифидир. У кейинги пайтда она табиат сирлари, парранда-даррандалар, тоғ-яйловлар ва чўл-қирлар манзаралари акс эттирилган ҳикоя-эртаклар ёзди. «Оқшом» саҳифаларида унинг ана шу ижодидан баъзи намуналар бериб борамиз.



Яйлов ҳикоялари

Бурғутлар кураши

Мен бобом йўқ, деб афсусланиб юрардим. Негаки, боболар жуда ҳам меҳрибон бўларкан. Ўртоғим Маҳмуджоннинг боболари ана шунақа меҳрибон одам. Катта овчи ҳам. Тозилари, ишкавуч итлари, қирғий, бургутлари бор. Катта бургутининг оти «Абр». Абр — булут дегани экан. Абр жуда тез, баланд учар экан.

Бобо овга борадиган бўлса қирғийни Маҳмуджон кўтариб кетади. Мен бўлсам уларга ҳавас билан қараб қоламан. Бирда бобо менга ачинди шекилли: «Агар яна битта от бўлганида сени ҳам овга олиб кетардим!» — дедилар. Суюниб кетдим. Бобо сўзини давом эттириб шундай дедилар: «— Зарарсиз, яқинда отни иккита қиламан. Ана ўшанда сен ҳам борасан!».

Бобо ростгўй одам экан — чиндан ҳам айтганини қилдилар. Ёзги каникулга чиққанимизда мени ҳам овга олиб кетмоқчи бўлдилар. Бирам суюндимки... «Дадам рухсат бермаса-я» деб қўрқдим. Аммо бобо жонимга оро кирдк. У дадамга: «Иним, болалар ўқийверсин зерикиб қолишди. Бир ҳафтагина ўйнатиб, қимизга тўйдириб келай», дедилар. Дадам жилмайиб бободан миннатдор бўлдилар: «Сизни қийнаб қўймаса бўлди», деб рухсат бердилар.

Бир отда бобо. Унинг қўлида бургут — Абр, елкасида қўшоғиз милтиғи. Иккинчи отда Маҳмуджон иккимиз. Унинг бир қўлида қирғий, иккинчи қўлида тизгин. Мен ўзимда йўқ хурсандман. Буни пайқаган бобо йўлида:

— Неъматжон, сен ҳам менга невара бўла қол! — дедилар. Мен қувонч билан: «Раҳмат, бобожон!» деб суюниб кетдим.

Бобом бўлса кулиб: «Яша, чиройим! Яша!» деб менга меҳр билан тикилиб қолдилар. Маҳмуджон бўлса «бобом жудаям яхшилар-а» дегандек орқасига ўгирилиб жилмаярди.

Бобом бора-боргунча бизга айёр тулкилар ҳақида, тоғ бургути-ю, лочинлар ҳақида ҳикоялар сўзлаб кетдилар. Биз қўёш оққанда яйловга етиб бордик. Тоғ этагидан кетяпмиз. Узоқда қўй-қузилар, эчки-улоқларнинг ўтлаб юргани кўринди. Мен тоғ тепамиздаги арчазор, пистазорларга, тоғ пастдаги ярим ҳалқа оқаётган сойга боқиб, ўзимда йўқ завқланиб бораман. Шу чоғ кутилмаганда қизиқ воқеа юз берди. Бобом: «Оббо, баттол-э!» деб узоққа тикилиб қолдилар. Қарасам катта бир бургут йўғон тарвуздек қора нарсани кўтариб, лапанглаб учиб кетяпти.

— Отинг, бобо! — деб қичқирди Маҳмуджон!

Бобо бўлса: «Ўқ етмайди» деб эгар қошига ўрнатилган қўноқдаги бургутининг оёғини ечдилар, бошига кийгизиб қўйган чарм қалпоғини олдилар. Сўнг учиб кетаётган бургут томонга қўл чўзиб: «Абр! Бос!» дея ишора қила бошладилар. Абр бургутни кўрди шекилли қанот қоқиб, кўтарилди. Бобо: «Бос! Бос!» деб хитоб қилдилар.

Абрнинг парвози ўғри бургут томон тезлади, тобора кўтарилди. Бобом милтиғини елкасидан олиб, Абр ортидан от қўйди.

— Неъматжон! Эгар гардишини маҳкам ушла! — деб Маҳмуджон отнинг жиловини бўшатди.

Менинг қўлим эгар гардишида-ю, кўзим бургутларда.

— Тоғ бургути кучли, йиртқич бўлади! — деди Маҳмуджон Абрдан хавотирланиб. Абр бўлса бир зумда бургутга етиб борди-ю, чанг солди. Бу пайт бургут сой тепасига етиб борган эди. Кутилмаган зарбадан довдираб қолган қароқчи бургут жон ҳолатда пастга шўнғиди. Лекин у Абрдан қутилолмади. Шунда ўлжасини ташлаб юборди. Абр билан олиша кетди. Осмонни пар тўзони қоплади. Кураш даҳшатли тус олди. Бобом милтиғини мўлжалга тўғрилаб бордилар. Бир вақт иккала бургут чархпалак бўлиб ерга қулади. Бобом етиб бориб қараса, Абр бургутни ерга босиб олибди. Аммо бобом уни ажратиб олмай сув томонга от қўйдилар. Гоҳ кўтарилиб, гоҳ чўкиб оқиб кетаётган қорага етиб бордилар-да, чавандоз улоқчилардек эгилиб қорани кўтариб олдилар — қўзи экан. Биз ҳам етиб бордик.

— Мана сенга қўзичоқ! — деди бобом кўзини менга узатар экан: — Жонивор бахтингга тирик қопти-я!

Ҳаммамиз қувониб кетдик. Яйлов сафарининг биринчи куни шундай ўтди.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

Зора

(ҲАЗИЛ)

Она уч яшар ўғлига овқат едиролмай роса овора бўлди.

— Бор-эй, емасанг ема, ана сенга аданг қарасин! — деб айтди зарда билан. Бу зардани нариги хонада телевизор кўриб ўтирган ота эшитиб чиқди. У ўғли ёнига келиб уни бир оз эркалаган бўлди. Кейин энгашиб қулоғига бир нима деб пичирлади. Ўғил столда турган овқат ёнига бориб уни бирпасда еб бўлди.

— Тағин ейсанми? — сўради ота.

— Ҳм, — деди ўғил.

Ўғил ойиси солиб берган қўшимча овқатни ҳам апил-тапил еб тугатди-да, рухсат сўраб ўйнагани ҳовлига чиқиб кетди.

— Адаси, ўғлингизнинг қулоғига нима дединг, ҳозир пуфлаб чиқариб ташлаётган бола икки тарелка овқат еди-я?! — деб сўради онаси ҳайрон бўлиб.

— Ким овқат еб турса, у жуда ақлли бўлади, — дедим.

— Вой, гапингиз рост бўлса, ўзингиз ҳам тез-тез овқат еб турсангиз бўлар экан, — деди ҳазиллашиб хотин эрига. — Зора...

Собит ҒАФУРОВ.

Бувижон, ўқиб беринг

«5» олибман

Туш кўрибман «5» олибман.
Ўшимми ё ичикдим?
Яна битта «5» олай деб
Етдим, дарсдан кечикдим.
Худойназар АҲАДОВ.

Шунақаси ҳам бўлади

Парилар ороли

Бавария тоғларида катта кўл бор. Шу кўлдаги оролчада дунёни тарк этган аёллар туришади. Эркакларга эса бу ерга келиш ман этилган. У ерга бормоқчи бўлган эркак ёнига албатта бирор хотинни эргаштириб бориши зарур.

Қора чигиртка мухлислари

Японияда қора чигирткалар — энг севимли «уй ҳашаротлари» ҳисобланади. Уни уйда боқиш учун мўъжазгина ёғоч қути, озгина қум ва майда тошлар керак холос. Шу билан бирга у ниҳоятда камсуқум: озгина нон ушоқлари ва бир япроқ кўкат бўлса бас. Масалан, бир дона печенье қора чигирткага бир неча ойга етади. Одамлар, айниқса ҳарнлар ва беморлар унинг овозукун шўх чириллашини эшитишар экан, ўзларини ёлғиз ҳис этишмайди.

«Бизга шуниси ёқади»



Клубимиз машғулотлари шахмат мухлисларига манзур бўлаётганидан уларнинг редакцияга йўллаган кўплаб мактублари далолат бермоқда.

— Мустақил таҳлил учун берилаётган мисоллар, ечиш учун эълон қилинаётган масала ва этюдлар бизга ёқади, — мазмундаги сатрлар такрор-такрор битилган хатларни ўқийсиз.

Шинавандалар юборган жавоблари тўғри ёки нотўғрилигини тезроқ билишни истайдилар.

Газетамизнинг 15 январь сонида шундай масала берилган эди:

Оқлар: Крe8, Са1, Кh6 (3 дона);

Қоралар: Крh8, пиёдалар — g7, h7 (3 дона).

Шарти: уч юришда мот.

Ечими бундай: 1Cf6! gf2. Крf8 f53. Кf7X.

Тўғри жавоб йўллаганлар орасида қашқадарёлик А. Ҳошимов, сирдарёлик А. Маматқулов, О. Худойбердиев, наманганлик М. Мирзаев ва бошқалар борлиги диққатга сазовордир.

Тошкентлик М. Умархўжаев, Ф. Зокиров, Р. Собиров, Ш. Расулов, Б. Зокировлар ҳам масалани тўғри ечишган.

«Тошкент оқшоми»нинг 27 январь сонида эълон қилинган масала бундай эди (позицияни такрорлашдан мақсад, биринчидан, тўғри берилганини тасдиқлаш бўлса, иккинчидан, уни кўрмаган мухлислар дарров жавобига қарамай, мустақил ечиб кўришлари учун қўшимча имконият яратишдир):

Оқлар: Крe1, Лс4, пиёда — e2 (3 дона);

Қоралар: Крe3 (1 дона).

Шарти: тўрт юришда мот.

Ечими: 1. Крf1! Крb2 2. Крf2 Крb11 3. Крe3 Крe1 4. Лс1Х.

Тошкентлик А. Рихсиев, Р. Зокиров, А. Раҳмонов, И. Мирзахўжаев, Ф. Зокировлар ва андижонлик Н. Шералиев билан А. Маҳкамов, қашқадарёлик А. Ҳошимов, наманганлик А. Акрамов, Ҳ. Ёқубжонов, О. Шодмоновлар биринчилар қаторида тўғри жавоб йўллашган.

Газетамизнинг юқорида айтилган сонларида иккита «жажжи» — «мини» ўйин тексти берилиб, мустақил (ёзма) равишда изоҳлаш таклиф этилган эди. Бу мухлисларнинг ўзлари учун, яъни маҳоратларини оширишга қўл келадиган усуллардан биридир. Таҳлилни редакцияга юбориш шарт эмасди. Шундай бўлса-да Тошкент область Калинин районидаги 26-мактабнинг 3«б»-синф ўқувчиси Ботир Зокиров ихчам мулоҳазаларини бизга йўллабди. Ҳаракатлар зое кетмайди, албатта!

Навбатдаги вазифа



Этюд. Оқлар бошлаб ютади.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Билиб қўйган яхши

Ихлоснинг самараси

«Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди» дейди халқимиз. Мабодо киши хасталаниб қолса, шифокор беморни атрофлича ўрганганидан сўнг бир муқим фикрга келиб, у ёки бу дори-дармонни ёхуд медицина ёрдамини тавсия этади.

Мутахассисларнинг кузатишларига қараганда, агар бемор ўзига тавсия этилган дориларни ишлатишда, истеъмол этишда хавфсираса, унга лоқайдлик билан қараб «шунчаки» фойдаланса, мазкур дори яхши самара бермайди. Агар бемор ўзи даволовчи шифокорнинг тавсиясини қунт билан «қулоққа илиб» белгиланган муолажалардан ихлос ва маънуният билан фойдаланса, у ҳолда дори-дармонларнинг самараси зиёда бўлади, хасталикдан хийла тезроқ ҳоли бўлиши мумкин экан.

Доно ҲУЖАЕВА, доришунос.

«Савр» сўзининг маъноси

«Савр» сўзи арабча бўлиб, форс-тожикчаси «гов», ўзбекчаси «сигир».

Ҳозиргача «Қомус»ларда бу сўзнинг маъноси нзоҳланиб келинган. Чунончи, само буржларидан бири «Савр» дейилади, иккинчидан «ҳижрий» календарь ойларидан бирининг номи ҳам. (Ҳамалдан кейинги иккинчи ой ҳам «савр» деб аталади. Савр 21 апрелдан киради).

«Савр кирди — давр кирди», дейдилар. Чунончи, унда чўпонлар асосан энг масъулиятли қўзилатиш мавсумини якунлайдилар. Деҳқону боғбонлар ёзу куз ҳосилининг мустаҳкам пойдеворини яратишида савр — ҳал қилувчи ойдир.

«Савр» сўзи 1978 йили (7 саврда, 27 апрелда) Афғонистонда озодлик инқилоби ғалаба қилиб, унда Демократик Республика тузилган кундан бошлаб, ижтимоий-тарихий, сиёсий маъно ҳам касб этди. Бу янгилик бизнинг онгимиз ва тилимизга «Савр инқилоби», «Апрель инқилоби» тарзида келиб кирди ва дарҳол сингиб кетди ҳам!

Шундан бошлаб, афғон халқи шоир — бахшилари, шунингдек бошқа халқлар шоирлари не-не кўтаринки шеърлару қўшиқлар битмадилар!

Улардан намуналар:


Савр келиб, бизлар ҳам,
Қаторларга қўшилдик,
Чин юракдан шод бўлдик!
Шундай кунга етишмоққа,
Кўпдан интизор эдик!!

Еттинчи савр келди,
Озодлик давр келди,
Золимга жавр келди,
Жўшиб яшар онлар — бу!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

АНТИҚА ШАКЛЛАР







Кексалар, она табиатдан чеварни йўқ, дейишади. Дарҳақиқат, табиатни синчиклаб кузатсак унинг ранг-баранг ажойиботлари, чеварлик билан яратган гўзалликларга мафтун бўламиз. Штатсиз фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов суратга олган мана бу шаклдор шох-новдаларни томоша қилинг. Уларнинг бири кабутар, бири динозавр, тут дарахтининг бурама танаси эса аждар кабн кўринади.

Табиатда қанча хил ранг бўлмаса, унинг ажойиботлари ҳам шу қадар кўпки, булар инсонга завқ-шавқ бағишлайди.

Корректор дафтаридан

- Мол эгасига ишшайди.
- Қўрққан олдин гўшт кўтарар.
- Асалхона фарроши.
- Қуруқ гап улоққа ёқмас.
- Ҳар ким текканини ўради.
- Сувни кўрмай этик ичма.
- Айрилганни гўри ер.
- Гап эгасини қопар.
- Узумини е, боғини ўриштирма.
- Балиқ бошидан асир.
- Ёзувчи аламидан тўкилган атирлар.
- Китоб товони.
- Омбор мундири.
- Бош йўғон.
- Орахўрнинг кистириши.
- Шеърият чечаси.
- Магазин отувчиси.
- Кўпга келган ўй.
- Ўзма лағмончилар конкурси.
- Ўйқалам соҳиби.
- Бўғма талант.
- Илҳом арниси.

ОТАЁР.

Турфа олам

КАСАЛ БЎЛМАЙ ТУРИНГ

Ирландиядаги катта бўлмаган шаҳарлардан бирининг дорихонасида шундай мазмундаги эълон пайдо бўлди: «Барча дори-дармонлар тугаганлиги сабабли дорихона уч кун ишламайди. Мизожлардан илтимос қиламиз, касал бўлмай туринг. Ҳа, демай яна хизматингизга тайёр бўламиз».



ШАМОЛ САБАБЧИ

Камдан-кам одам осмондан пул ёғишини кузатган бўлса керак. Яқинда Перунинг пойтахтида худди шундай воқеа содир бўлди. Лима аҳолиси «парвардигор саховати»ни мадҳ этиб, пулларни тера бошладн. Аммо орадан кўп ўтмай парвардигорнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлиги аниқланди. Маълум бўлишича, икки босқичли бир корхона кассасини ўмариб, пул тўла қопни мотоцикл каважасига ташлаб қоча бошлаган. Аммо кутилмаганда кучли шамол кажавадаги ўлжани юлқиб олиб, осмонга олиб чиқиб кетган. «Пул ёмғири» ёғаётган пайтдаги тўс-тўполондан фойдаланиб, босқинчилар жазодан қочиб қолишибди.



КЎЗ ИЛҒАМАС ИЗЛАРНИ ҚУРАДИ

Японнянинг «Кавасаки стил» фирмаси Тиба префектурасининг полиция бошқармаси билан ҳамкорликда лазер ёрдамида ишловчи махсус қурилмани яратди. Бу қурилма ҳар қандай буюм сатҳидаги, ҳатто пенопласт сатҳидаги бармоқ изларини ҳам аниқлашга қодирдир. Энг кучли микроскопда ҳам кўринмнган ложки бўлмаган тасвирни «ўқиб чиққан» нур катталаштирилган ҳолда мониторга ўтказилади. Шундан кейинги жараёнларни техника осонгина ҳал этади. Ялпит приборлар комплектининг вазни 60 килограмм бўлиб, у кўриш қийин бўлган изларни аниқлаш учун қўлланиладиган анъанавий қурилмалардан қарийб икки баравар енгил.

ШУ ҲАМ ҲАЗИЛМИ?

АҚШ. Ана шу кўрмнишдаги телефон яқин орада лос-анжелеслик (Калифорния штати) харидорларга таклиф этилади. Кўриб турибсизки, унда бизга таниш трубка ўрнига симга «оддий» телефон электроннкаси ўрнатилган 45-калибрли «кольт» системасидаги тўппонча уланган. Кўнғироқ овозини эшитган абонент уни қулоғига олиб боришн ва тепкини босиб, суҳбатлашиши лозим.

Бу ҳазилми ёки тасаввурга ўта даражада эрк бершими! Унисн ҳам, бунисн ҳам эмас. Корчалонлар харидорларни жалб этиш мақсадида ана шундай қилишган, холос.

Оддий америкаликларнинг онги АҚШ оммавий ахборот воситалари ва кинематографчиларн зўр бериб тарғиб этаётган зўравонлик, кучга сиғиниш ғояси билан заҳарланганлиги кўпчиликка яхши маълум. Ғаройиб «жосуслик» техникаси билан тўла автомобиллар, шахсий бомбадан муҳофаза ертўлаларн тобора оммавийлашиб бормоқда. Ёшлар эса нағал қоқилган этикларда, ҳарбий услубда тикилган, ҳарбий тақинчоқлар — учнчи рейх даврн крестларн тақилган шим ва куртка-ларда модага мос одимламоқда. Милитаризм руҳи Америка жамиятининг ич-ичига сингиб кетмоқда.

Телефон тўппонча ҳам модага тан беришнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Шунинг учун ҳам бундай рўзғор буюмининг пайдо бўлиши Америкада ҳеч кимни ташвишга солгани йўқ.

АП—ТАСС фотоси.



Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

телепрограммалар

Душанба

18 МАЙ
ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Футбол шарҳи.
10.00 «Изқувар». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
12.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Рус тили».
17.15 «Нега ва нима учун?».
17.45 Халқаро музейлар кунига. Телевизион ҳужжатли фильмлар:
«Суриков ҳузурида, Пензада» (Куйбишев шаҳри),
«Моҳир усталар билан учрашув» (Ереван),
«Музей сукунатининг лаҳзаси» (Минск).
18.25 ЖАДАЛЛАШТИРИШ. «Мукофотнинг қадр-қиммати». А. В. Ухтомский номли қишлоқ хўжалик машиналари заводининг қайта қуриш шароитларидаги иши ҳақида (Москва области).
18.55 «Истеъдодли болалар». Илмий-оммабоп фильм («ЛНФ»).
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 Футбол шарҳи.
20.20 Санъат усталари. СССР халқ артисти О. Борисов.
21.30 ВРЕМЯ.
22.00 Тинчлик велопойгаси. ЧССРдан кўрсатилади.
22.30 Футбол. СССР чемпионати ҳамда «Комсомольская правда» газетасининг соврини учун мавсум кубоги. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). 2-тайм.
23.15 Кубань Давлат казаклар хорига бағишланган кўрсатув.
24.00 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
00.15 САХИЙЛИГИМИЗДАН УЛАР ҲАМ БЕБАҲРА ҚОЛМАСИН. Болалар уйлари ва интернатларидаги ишларнинг аҳволи ҳақида.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 Таъмирчиларнинг иши ҳақида илмий-оммабоп фильм. 19.00 «БАМ: социал аспектлар». МТ сайёр редакциясининг материаллари изидан. 5-кўрсатув. 19.15 МУЗИКАЛИ КИОСК. 19.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Стол тенниси. СССР кубоги. Ленинграддан кўрсатилади. Стендга отиш. Жаҳон кубоги. «Динамо» отиш комплексидан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 «Тонгда қатл этилганлар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.30 «Китоб безовчи рассомлар. Дмитрий Шмаринов». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 «Ватанимни шарафлайман». Т. Тўла шеърлари.
7.50 «Конкурс». Телефильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 Ота-оналарга болалар ҳақида. «Педагогика ва болалар».

* * *

16.35 География. Тошкент иқтисодий райони.
17.05 «Чўпонлар сулоласи». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Қизиқарли математика».
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Пионерлар мамлакатида». В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган кўрсатув.
19.00 «Интенсивлаш — беш йиллик шиори». «Андижонирмаш» заводида ишни икки ва уч сменада ташкил қилиш тажрибасидан.
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. СОВЕТСКИЙ ВОИН. Тележурнал (рус.).
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Тинчликни мадҳ этамиз». Музикали композиция.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.00 «Театр ва томошабин».
23.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Радишчев номли». «Абрамцево музей-чорбоғи». Халқаро музейлар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 20.45 «Тошкент ва тошкентликлар». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Мақсад». Бадиий телефильм. 1-серия (рус.).

Сешанба

19 МАЙ
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган телевизион ҳужжатли фильм.
10.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 1-фильм — «Ўн етти ёшида» («Экран»).
11.15 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Онамларнинг мактаби».
17.15 «АКАДЕМИК ЛАВРЕНТЬЕВ». Телевизион ҳужжатли фильм.
17.55 ВЛКСМ XX съездига бағишланган пионерлар байрами. «Динамо» Спорт саройидан кўрсатилади (16 апрелдаги кўрсатув такрорланади).
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 «Биринчи танаффус». Мультфильм.
19.40 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БИЛИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ. Телетомошабинларнинг хатларига СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат Агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский ва ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никонов жавоб берадилар.
20.25 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 1-фильм — «Ўн етти ёшида».
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 Молдавия санъат усталари ва ижрочи ёшлари концерти.
23.55 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

18.25 Янгиликлар. 18.35 Санъат усталари. Грузия ССР халқ артисти С. Чиаурели. 19.45 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.20 «ОДДИЙ ЁРУҒЛИК». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЖМЕНЯКЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм 1-серия. 23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 «Пионер телетайпи».
7.50 «Ўзбекистоннинг яркирама тошлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 ЎзССР тарихи. Улуғ Октябрь йўлидан (рус.).
17.05 «Кичкинтой». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Биз нималарни ўргандик?
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 42 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА БЎЛИБ ЎТГАН БАДИИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ (9 майдаги кўрсатув такрорланади).
18.50 Фан ва дин. «Дин ва замон». 2-кўрсатув (рус.).
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
20.50 АХБОРОТ.
21.10 «Биз нима қурдик?» Ҳужжатли фильм.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 «Чорвадор» программаси. Фориш район қоракўлчиларининг ишлари ҳақида ҳикоя.
22.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Фавқулодда комиссар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
00.10 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ташмачилар». Телефильм. 19.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 20.40 «Театр учрашувлари» (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

Чоршанба

20 МАЙ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Киноафиша.
10.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 1-фильм — «Ўн етти ёшида». 2-фильм — «Учрашув».
12.00 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Салом, музика!». «Ритми детства» болалар хореографик ансамблининг концерти.
17.15 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
18.00 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
18.30 Р. Курамшин чалади (баян).
18.45 Медицина қайта қуриш марраларида.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 «КАПИТАНЛАР ДЕНГИЗДА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
20.15 И. Стравинский. Торли оркестр ижроси учун ре мажор концерти.
20.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 2-фильм — «Учрашув».
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 Сиёсий театр. «ЛЕОНАРДО ОДОБИ». Телевизион спектакль премьераси.
23.20 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
23.35 ДУНЁ ВА ЁШЛАР.
00.10 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 Автомобиль спорти. Халқаро мусобақалар. Венгриядан кўрсатилади. 19.15 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 19.25 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 20.15 «БАМ: социал аспектлар». МТ сайёр редакциясининг материаллари изидан. 6-кўрсатув. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Социал ёрдамнинг янги турлари ҳақида. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЖМЕНЯКЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 «Ўймакор». Ҳужжатли фильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Табиатшунослик. Ўзбекистонда ёз.
17.05 «Уста бўлиш учун». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Рус тили — армия хизматига чақирилувчиларга».
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнат қилиш ҳуқуқи» (рус.).
19.00 «Ёзувчи ва замон».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Салом, пионерлар!»
20.30 АХБОРОТ.
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси педагоглари ва студентлари ижросида шарқ халқларининг қўшиқ ва куйлари.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 «Депутат ва ҳаёт». Андижон область Советобод шаҳри ҳақида киноҳикоя. «Шаҳарларимиз жамоли» туркумидан.
22.45 ЭКРАНИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА. «Қишлоқ романи». Бадиий фильм («Қирғизфильм»).
00.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Пионер телетайпи» (такрорий). 19.40 Ритмик гимнастика. 20.00 «Икки ҳисса кўп ёки ҳеч нарса». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР). 1-серия. 21.05 «Умидимиз даласи». Телефильм. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 Актуал мавзуларда суҳбат. «Чўпон Акматовнинг методи. У қандай ёйиляпти?». 23.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Мақсад». Бадиий телефильм. 3-серия (рус.).

Пайшанба

21 МАЙ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР.
10.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 2-фильм — «Учрашув». 3-фильм — «Етуклик».
12.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 ДИН ВА СИЁСАТ. Телевизион журнал.
17.35 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР.
18.20 СЎЗНИ АМАЛДА ИШ БИЛАН ОҚЛА.
18.50 «Қўшиқ билан Болгария бўйлаб». Эстрада концерти.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 Биринчилар қаторида хўжалик ҳисобига ўтган Ставрополь ўлкасидаги «Казминский» колхозининг иш тажрибаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
20.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887 — 1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 3-фильм — «Етуклик».
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 Ижрочилик санъати усталари. Барри Дуглас (Буюк Британия).
22.45 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.
23.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. 19.45 «БАМ: социал аспектлар». МТ сайёр редакциясининг материаллари изидан. 7-кўрсатув. 20.00 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 «МАРҲАБО». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ЖМЕНЯКЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Стендга отиш. Жаҳон кубоги. «Динамо» отиш комплексидан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 «Енгиш». Телефильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Ўқитувчи экрани. Методик иш звенолари.
17.05 «Қўнғир айиқ». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-87». Химия.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Полиздаги эчки». Мультфильм.
18.25 МИЛЛИОНЛАР ЛЕНИНЧА УНИВЕРСИТЕТИ. «Қайта қуриш шароитларида маҳсулот сифатини ошириш». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида.
19.00 Физикларнинг паст ҳароратли плазмалар бўйича VII Бутуниттифоқ конференцияси. «Ўзбекистонда физиклар анжумани» (рус.).
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Таманно». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.05 «ИНСОН ВА ҚОНУН» программаси почтасидан.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ. Телевизион университет. «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.35 «Кино оламида». Кўрсатувни филология фанлари доктори Ҳ. Акбаров олиб боради.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қайрилиб боқ, нотаниш йўловчи» (рус.). 19.45 Реклама. 19.55 «Икки ҳисса кўп ёки ҳеч нарса». Бадиий фильм. 2-серия. 21.00 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН. «Демократиянинг янги ифодаси». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм.

Жума

22 МАЙ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 «Салом, музика!». «Ритми детства» болалар хореографик ансамблининг концерти.
9.45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. «Бир бор танланган йўл. 1887—1893 йиллар». Кўп серияли телевизион фильм. 3-фильм — «Етуклик».
10.45 ДУНЁ ВА ЁШЛАР.
11.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 Болалар учун фильм. «Ҳамманинг ёқтиргани». А. Купriнниng «Оқ пудель» ҳикояси асосида («ЦНФ»).
18.10 Урал усталари томонидан яратилган рус маданияти ва техникаси тарихий ёдгорликлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск).
18.25 Н. Романова ижросида опералардан ариялар. Ленинграддан кўрсатилади.
18.45 «Экология ва биз».
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 «Рябинушка» вокал триоси куйлайди.
19.45 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Камалак». Бадиий фильм (Киев киностудияси).
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 ЯДРО АСРИДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ. Москва — Вашингтон телекўприги. СССР Олий Совети депутатлари ва АҚШ Конгресси депутатларининг учрашуви.
23.25 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.
23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
24.00 Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. «Олимпия» спорт комплексидан кўрсатилади.
00.45 «Танишинг: ёш кинематографчилар». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар: «Ўғлимнинг ҳузурига» («Мосфильм»), «Тирналган» («Ўзбекфильм»).

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 Илмий-оммабоп фильм. 19.15 «БАМ: социал аспектлар». МТ сайёр редакциясининг материаллари изидан. 8-кўрсатув. 19.30 «Твардовский уйи». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.50 Стендга отиш. Жаҳон кубоги. «Динамо» отиш комплексидан кўрсатилади. 21.20 «Арфа янграйди». Фильм-концерт. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 И. Осипова чалади (фортепьяно). 22.30 Футбол. СССР кубоги. Ярим финал. 24.00 «КЕКСА ОВЧИ РАНЖИДИ». Телевизион бадиий фильм премьераси (Шимолий Осетия). 00.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 Ўринбосарлар улғаймоқда. «Ҳаракатдаги шахслар ва ижрочилар». Ҳужжатли фильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Ўзбек мактабларида рус адабиёти. А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романида ёш гвардиячилар образи (рус.).
17.05 «Серенада». Телевизион бадиий фильм (рус.).
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Қўй ва атиргул». Мультфильм.
18.20 Орган куйлари кечаси.
19.05 «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 ҚАЙТА ҚУРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ўзбекистон телевидениеси ва «Правда Востока» газетасининг биргаликдаги рейди. 1-кўрсатув (рус.).
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Созим, овозим». Концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 БЎСТОН. Тележурнал.
23.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ҳаёт жумбоқлари». Ҳужжатли фильм. 19.45 Ритмик гимнастика. 20.05 Экранда — кинокомедия. «Пазанда». 21.10 «Оилавий ҳаёт алифбеси». Оилавий муносабатларнинг шаклланиш муаммолари ҳақида. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Инсон ва қонун». 22.50 «Баҳорнинг узун куни». Телевизион фильм.

Шанба

23 МАЙ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 «УКРАИНЧА ГАШТАКЛАР». Фильм-концерт премьераси (Киев).
9.50 Ҳаваскор югурувчилар клуби ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
10.30 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. Константин Васильев.
11.05 «Қўшиқ инсон билан қолади». Я. Френкель, Р. Ҳамзатов. «Турналар».
12.10 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН.
12.40 «ШУНДАЙ ХОР БОР». Брянск область Дорожева қишлоғи халқ коллективи ҳақида фильм-концерт премьераси («Экран»).
13.00 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал.
13.30 Кострома области, Нерехта шаҳри «Юбилей» Маданият саройи ансамблининг чиқиши.
13.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
14.00 АСЛИНИ ОЛГАНДА. Маҳаллий Советлар ишини қайта қуриш тажрибасидан. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
15.30 Халқ куйлари.
15.50 РЕЗОНАНС. «Демократия ва инсон ҳуқуқи». Социалистик демократияни кенгайтириш, СССРда инсон ҳуқуқларига риоя қилишда изчиллик, Ғарбда инсон ҳуқуқлари аҳволи масалалари ҳақида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. Загладин, СССР ФА Давлат ва ҳуқуқ институтининг директори В. Кудрявцев, СССР антисионистлар комитети раисининг ўринбосари С. Зивс, Минск ва Белорус митрополити — Филарет иштирок этадилар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Б. А. Калягин олиб боради.
17.20 «Жонли табиат».
18.25 «ҚИЗИЛ КРЕСТЬ БЕЛГИСИ ОСТИДА». Телевизион бадиий фильм премьераси (Адабий-драматик программалар Бош редакцияси). 1 ва 2-сериялар.
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 КИНОПАНОРАМА. Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кинофестивалига бағишланган махсус сон.
22.50 Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. «Олимпия» спорт комплексидан кўрсатилади.
23.35 «Оркестрсиз қўғирчоқ ижроси учун концерт». Эстрада программаси.
00.05 Янгиликлар.
00.10 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

● МТ II

18.50 «ҚУЁШ ҲАДЯ ЭТГАН ЭНЕРГИЯ». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»). 19.00 Останкино концерт студиясида СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, психология фанлари доктори Ш. А. Амонашвили билан учрашув. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 ЗДОРОВЬЕ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Хавфли парвоз». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.30 Янгиликлар. 23.35 Гандбол. СССР чемпионати. Эркаклар. АСК (Минск) — МАИ. Минскдан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!»
7.40 «Кичик дарё». Телефильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Ярмарка». Ҳужжатли фильм.
8.30 Москва. ВРЕМЯ.
9.15 «Май камалаги» (такрорий).
9.45 Врач маслаҳати.
9.55 «Боладикдан бошланган йўл». Ҳужжатли фильм.
10.15 «Давлат қабули — давр талаби». Самарқанддаги лифтсозлик заводида маҳсулот сифатини оширишда давлат қабулининг роли ҳақида (рус.).
10.45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ФОЛЬКЛОР КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАР РЕСПУБЛИКА КЎРИК-КОНКУРСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ.
12.35 «Касаба союзлари — коммунизм мактаби». Республика корхоналарида коллектив шартномаларнинг бажарилиши (рус.).
13.05 Рашод Нури Гунтекин. «Ҳийлаи шаърий». О. Хўжаев номли Сирдарё область музикали драма ва комедия театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Колос» (Никополь). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
18.50 Болалар учун. «Бойчечак».
19.20 «Йўлдаги эртак». Мультфильм.
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ. «Болаларни тарбиялашда ота-оналарнинг шахсий ибрати».
20.15 «КОМПЛЕКС КАЛИТИ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Цирк! Цирк! Цирк!»
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 «Музикали саёҳат» (1 майдаги кўрсатув такрорланади).
23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

● ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 16.45

Якшанба

24 МАЙ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Ритмик гимнастика.
10.00 «Спортлото» тиражи.
10.10 БУДИЛЬНИК.
10.40 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!
11.40 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув.
12.10 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ.
13.10 МУЗИКАЛИ КИОСК. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Беляева олиб боради.
13.40 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ.
14.40 ЗДОРОВЬЕ. СССР Соғлиқни сақлаш министри, академик Е. И. Чазов иштирок этади.
15.25 ЎРТОҚ ҚЎШИҚ. Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Тошкентдан кўрсатилади.
16.10 «АЗОВ ДЕНГИЗИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Азов денгизида экологик мувозанатни тиклаш зарурлиги ҳақида (Ростов-Дон).
17.05 ИСТЕЪДОД. Телевизион журнал.
17.35 Мультфильмлар: «Охирги мўри тозаловчи», «Бечора темирчи» (Эстония).
17.55 «Ёзувчи ва Ватан». Китобхонларнинг филология фанлари доктори, профессор В. И. Баранов билан А. Н. Толстойнинг Куйбишев шаҳридаги уй-музейида учрашуви.
18.35 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА.
19.20 «Биз қандай дам оляпмиз?» Коллекционерлик дам олишнинг тури сифатида.
20.00 Экранда — кинокомедия. «Тўрт қалб» («Мосфильм»).
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. «Олимпия» спорт комплексидан кўрсатилади.
22.50 Янгиликлар.
23.00 В. В. Андреев. МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестри иштирокида музикали кўрсатув.
23.35 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

● МТ I

16.35 «Сиз менга жуда зарурсиз». Хабаровск ўлкаси Известковий посёлкасидаги тарбияси қийин ўсмирлар тарбиячиси А. Петринин ҳақида. 17.00 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР. 18.00 «Машҳур асарлар, машҳур ижрочилар». Л. Бетховен ва Ф. Лист асарларини Д. Сгурас (Греция) чалади. ПХР телевидениесининг кўрсатуви. 19.00 «МАЛИКА ТУНДРА». Ҳужжатли фильм премьераси. (Свердловск киностудияси). 19.20 В. Гаврилин. «Оқшом». Вокал чолғу туркум. 19.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «ПЛЮС ЭНЕРГЕТИКА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Иркутск»). 21.15 «Теннис сабоғи». 2-кўрсатув. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Шаҳар таронаси». Еревандан олиб кўрсатилади. 23.00 Чет эл фильмлари экрани. «Далил бўлиши аниқ». «Полициянинг телефони 110» туркумидан (ГДР). 00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Май мозаикаси» (такрорий).
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Чингиз Ахмаров». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.30 Москва. ВРЕМЯ.
9.15 «Биргаликда куйлаймиз». Ж. Нажмиддинов, Ў. Рашид. «Болалигим гулбаҳор».
9.40 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». Кинооператор Ғ. Шукуров ижоди ҳақида.
10.05 «Депо». Ҳужжатли фильм.
10.10 «Шахмат мактаби».
10.45 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Ёш бўлиш осонми?» Ҳужжатли фильм.
12.10 «Орол денгизи муаммолари».
12.40 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Аср бошида» (рус.).
13.05 Реклама.
13.25 Болалар учун телевизион театр. Я. Стельмах. «Мангу барҳаёт». 1 ва 2-қисмлар.
15.25 Москва. ЎРТОҚ ҚЎШИҚ. Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Тошкентдан кўрсатилади.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Бепоён Ватаним менинг». Телевизион фестиваль. Мактаб ўқувчилари учун Грузия телевидение студияси тайёрлаган программа.
18.35 С. Михалков. «Хавфли алоқалар». Телеспектакль.
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Лутфий лирикаси.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Назм ва наво». Лутфий лирикаси (давоми).
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 ЭКРАНИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА. «Бахтлисан, Женька». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.25 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

● ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/V да **Тўмарис**, 17/V да **Коппелия (12.00)**, **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА **ТЕАТРИДА**—16/V да **Ғариблар**, 17/V да **Бахтли гадолар** (12.00), **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ **ТЕАТРИДА**—16/Vда **Тошболта ошиқ**, 17/V да **Аршин мол-олон**.

Кино

16 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— (16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (16.20, 18.40, 21.20), **Нукус** (16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30).

«КИН-ДЗА-ДЗА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (жуфт соатларда; телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00; телефон 35-24-92).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00).

«ҚИЕФАДОШ» — **Тинчлик** (17, 19, 20.45).

«БАНКИР МАРГАЙЯ» —**Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ИВАНОВАНИНГ БОЛАЛИГИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (21.00).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (16, 18.30, 20.45).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Фестиваль** (21.30).

«ЯГУАР» — **Хива** (21.30).

«ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда; телефон 33-44-52).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Янгиобод** (16.30, 21.00).

17 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— **Чайка** (11, 13.30, 16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (13.30, 16.20, 18.40, 21.20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30).

«КИН-ДЗА-ДЗА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (жуфт соатларда; телефон 66-15-75), **Қозоғистон** 12, 14, 15, 17, 18, 20.00); телефон 35-24-92).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

«ҚИЕФАДОШ» — **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 20.45).

«БАНКИР МАРГАЙЯ» —**Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ИВАНОВАНИНГ БОЛАЛИГИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13, 21.00).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Фестиваль** (21.30).

«ЯГУАР» — **Хива** (21.30).

«ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда; телефон 33-44-52).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Янгиобод** (13.30, 16.30, 21.00).

АВТОТРАНСПОРТ ҲАЙДОВЧИЛАРИ ВА АВТОХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СЕРГЕЛИ МАССИВИДАГИ ЗАРЕЧНАЯ КЎЧАСИ БЎЙЛАБ 9 КИЛОМЕТР МАСОФАДА ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА КАПИТАЛ РЕМОНТ ИШЛАРИ БОШЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1987 ЙИЛ 18 МАЙДАН БОШЛАБ 25 МАЙГАЧА ТЕМИР ЙЎЛДАН ЎТИШ ЖОЙИ АВТОТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ УЧУН БЕРКИТИЛАДИ.

Ремонт кетаётган участкани Ёқубов кўчаси бўйлаб 7 километр оралиқдаги темир йўлдан ўтиш жойи орқали айланиб ўтилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ ЙЎЛ ДИСТАНЦИЯСИ.

Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри коллективи Ўзбекистонда опера санъатининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ғулом АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12752. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 17.30 да қўл қўйилган [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2125. 12345678910. Индекс 64690.